*Долзарб мавзуда суҳбат*

# ИЖАРА ПУДРАТИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР

**Кейинги пайтларда тез-тез ишлатиладиган бу ибора республикамиз учун янгилик. Маълум бўлишича, мамлакатимизнинг бошқа жойларида бу борада анча-мунча тажриба тўпланган. Уни умумлаштириш, кўпчиликнинг мулкига айлантиришни баайни социалистик экономикамизнинг табиати тақозо этади. Шунинг учун ҳам Агросаноат комплексини бошқариш Бутуниттифоқ олий мактаби ижара пудратининг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ўн кунлик семинар уюштирди. Унда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш кафедраси мудири, иқтисод фанлари кандидати, доцент Б. РАҲИМОВ ҳам иштирок этди. Мухбиримиз суҳбатининг мавзуи семинар таассуротлари ҳақида бўлди.**

**— Бори Раҳимович, ижара пудратининг моҳияти нима, лўнда таъриф беринг.**

— Ижара пудратида ҳам шартнома бўлади. Унга кўра бир томон (ижарага берувчи) муайян тўловга қараб, иккинчи томон (ижарачи)га вақтинча фойдаланишга ишлаб чиқариш воситалари, буюмларни бериб туради. Ижарага берилган нарсалардан фойдаланиш муддатлари, шартлари, ижара тўлови ҳажми, тўлаш тартиби — ҳамма-ҳаммаси шартномада келишиб олинади. Ижарачи ўзи қабул қилган нарсалардан фойдаланишда тўла мустақилликка эга. Қачон ишлаши ва дам олиниши, ишлаб чиқариш технологиясини, интизомни таъминлашдаги чораларни ўзи белгилайди. Пудратнинг бошқа шаклларидан алоҳида ажралиб турган бир томони шуки, ижарачи етиштирилган маҳсулотни сотишдан келган тушумнинг маълум қисмини эмас, ҳаммасини олади. Ана шу тушум эвазига ижара тўловини амалга оширади, қишлоқ хўжалиги корхоналари, бошқа ташкилотлар ва шахслар хизматига ҳақ тўлайди, истеъмол қилинган моддий ресурсларнинг ўрнини тўлдиради, ўзининг истеъмол ва жамғарма фондини вужудга келтиради.

Шундай қилиб ижарачи ходимлар ўз меҳнати ва даромадининг тўла хўжайинларидир. Бунда, агар шартнома мажбуриятлари ва амалдаги қонунчилик бузилмаса, ижарачи фаолиятига бошқа ташкилотлар, раҳбар идоралар ва шахслар аралашишмайди...

**— Лекин шу ўринда гапга аралашса бўладими! Бизнинг жамиятда ерни қандай ижарага олиш мумкин! Газетхонларимизга тушунарли бўлиши учун содда таърифлаб беринг.**

— Қишлоқ хўжалигининг иши ер билан. Мамлакатимизда ер фақат давлатнинг мулки ҳисобланади. Бу деганимиз: ҳеч ким, ҳеч қайси идора ёки ташкилот ерни хусусий мулк каби эгаллай олмайди. Хўжаликлар экин майдонини бирор муддатга ёки муддатсиз фойдаланишга оладилар. Ҳозирча мамлакатимизда ернинг баҳоси йўқ. Шунинг учун ҳам социализмда ер учун ижара тўловини белгилаш тартиби капитализмдагидан фарқ қилади. Ернинг муайян баҳоси йўқлиги туфайли ундан фойдаланиш тўловини шу ерда етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинадиган фойда орқалигина белгилаш мумкин. Бошқа ишлаб чиқариш воситалари (техника, бино, асбоб-ускуна)дан фойдаланганлик учун ижара тўлови амортизация харажатлари суммаси даражасида ундирилади. Агар пудратчи чорвачилик маҳсулоти етиштирса, ижара тўлови ерга ҳам, молларга ҳам пландаги фойдадан келиб чиқиб ҳисобланади.

**— Албатта, Москвадаги семинарда бевосита хўжаликларнинг вакиллари ҳам гапиришгандир. Бирор коллектив тажрибасидан айтиб беролмайсизми!**

— Бажонидил. Орлов области, яна иккита район, 8 та хўжалик тажрибаси суҳбатимизга мавзу бўлди. Москва областининг Ступин районидаги «Партия XV съезди» совхозида «Залуги» кооперативи тажрибаси ҳақида унинг раиси Ю. И. Краснов гапириб берди. Улар 1987 йилда ижара пудратига ўтишибди. Мазкур кооператив 125 бош зотдор бузоқни боқиш учун 105 гектар экинзорни, бузоқхонани совхоздан ижарага олишган. Хўжалик кооперативга 2 та МТЗ-80 тракторини ва зарурий техникани берган. Ижара тўловини ҳисоблашни кўрсатилган экин майдонида етиштириладиган озуқа билан таъминлаш мумкин бўлган моллар бош сонини аниқлашдан бошлашибди. Бунда далаларнинг реал ҳосилдорлиги ҳисобланган озуқага эҳтиёж эса шу гуруҳдаги молларни озиқлантиришнинг белгиланган нормасидан келиб чиқиб аниқланган.

Ҳисоб-китоб шуни кўрсатибдики, 16 гектарга дон, 40 гектарга кўп йиллик ўт экилганда ва 39 гектар яйлов бўлганда 125 та бузоқни йил бўйи тўқ ҳолда сақлаш мумкин. Яйловда боқиш даврида (май ойидан октябргача) эса яна 30 та бузоқ қўшиш мумкин. Шундай ҳолатда йиллик семириш 283 центнерни ташкил этади. Кооператив ҳар бири 350 килограммга етган бузоқларни совхозга семиртирилган ҳар центнер эвазига 214 сўмдан сотади.

Шундай қилиб, кооператив ҳамёнига келиб тушган пул (283ц Х 214 сўм) 60.562 сўмни ташкил этган. Мол сақлаш харажати — 51.797 сўм, жумладан озуқа билан бирга моддий сарфиёт — 33.544 сўм, иш ҳақи — 11.320 сўм, қўшимча харажатлар 6.933 сўм бўлди. Демак, бузоқ боқишдан 8.765 сўм фойда кўрилган. Шу пул экинзор ва бузоқ учун ижара тўловини ташкил этади. Унга бузоқхона ва техникадан фойдаланилганлиги учун бериладиган 1.000 сўм ижара тўлови қўшилади. Бундан келиб чиқадики, ушбу кооператив йиллик ижара тўлови 9.765 сўмни ташкил этаркан. Агар кооператив қўшимча техника ёки бошқа воситалар олса бу миқдор кўпайиши мумкин. Ёки аксинча.

**— Бир савол. Ижарачи маълум босқичда белгиланган юмушни бажаришга улгуролмаслигига кўзи етди, дейлик. Шундай ҳолларда ёрдамчиларни чорлаши мумкинми!**

— Ҳа, масаланинг бу жиҳати ҳам ҳисобга олинган. Зарурат туғилганда муваққат ходимларни меҳнат шартномаси асосида жалб этиши мумкин. Бунда вақтинча ишлаган кишилар ижарачи фойдасини тақсимлашда қатнашмайдилар ва кўрилган зарарга жавоб бермайдилар. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳажми ўша ишни қишлоқ хўжалиги корхоналарида амал қилиб келаётган нормалар, тарифлар ва нархларда белгиланади. Агар ходим ижара коллективида доим ишласа, у мазкур коллективга аъзо бўлиши ёки у ерда меҳнат шартномаси асосида ишлаши мумкин.

**— Озиқ-овқат маъмурчилигига эришишнинг энг қисқа ва ишончли йўли ижара пудрати эканлиги Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида яна бир бор таъкидланди. Редакциямизга бу янги усулни қабул қилган коллективлардан хушхабарлар келиб турибди. Булар ҳаммаси яхши. Лекин нега энди ижарачи хўжаликлар ва бўлинмалар сонини кескин кўпайтириш мумкин эмас!**

— Бу фикрингизга қўшилолмайман. Май ойининг ўрталарида КПСС Марказий Комитетида бўлган учрашувда бир гап алоҳида уқтирилганди — уни биз иштирок этган семинарда ҳам таъкидлашди. Моҳият шундаки, ижара пудратига тушуниб-тушунмай ёппасига ўтишга йўл қўйиб бўлмайди. Яъни, бу янгиликнинг аҳамиятини тўла англамай йигирмата хўжалик шу усулга ўтганидан кўра иккита колхоз ёки совхозда масала мағзи чақилган ҳолда ижара пудратини қабул қилишгани афзал. Нафақат коллективларнинг раҳбарлари, балки бевосита моддий неъмат яратувчилар — оддий аъзолар сифатли маҳсулот етиштиришдан, пировард натижанинг чўғли бўлишидан манфаатдорликлари таъминланмоғи лозим. Агар хўжаликни бошқаришнинг ана шу механизми аниқ йўлга қўйилса умум ишига фойдали бўлади. Истиқболли усулнинг афзалликларини кенг тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида. Биз, олимлар ҳам бевосита хўжаликларга бориб бу янгиликни халққа тарғиб қилиб келаяпмиз. Хуллас, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак самарадорлик ошади.

**Суҳбатни Ш. ЖАББОРОВ ёзиб олди.**





Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз жорий йилдан бошлаб ғўзанинг «Андижон—13», «Қирғизистон—3» навлари, шунингдек маккажўхорининг югославиялик селекционерлар яратган нави ўстирилиб, уруғлик олинадиган хўжаликка ихтисослаштирилаяпти. Бу борада қардош Қирғизистоннинг Ўш области деҳқонлари уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Айни кезларда ҳар иккала экин агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётир. Колхоз бу йил давлатга жами 5.400 тонна маҳсулот, шу жумладан камида 2000 тонна уруғлик пахта, 360 тонна қаҳрабо дон топширади.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўш область Аравон районидаги «Янгийўл» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Иброҳим Орифжонов (чапда) ва Куйбишев номли колхоз бригадири Шокир Раҳимов ғўза ривожини кўздан кечиришаяпти. 2. Хўжалк бош агрономи Зариф Шарипов ва районлараро уруғчилик инспекциясининг назоратчиси Анна Филиппова маккажўхоризорда.

Р. АШУРОВ фотолари. (ЎзТАГ).

## ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

### КОЛХОЗДА ҚАНДОЛАТЧИЛИК

**Шофиркон районидаги Куйбишев номли колхозининг кондитер цехи қадимий рецептларга мувофиқ шарқ қандолатларининг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Цехдаги ишлаб чиқариш ҳажми бутун бир фабрика ҳажмидан қолишмайди. Район савдо тармоғига ўн тонна ялпизли карамель, беш тонна хушбўй парварда, уч тонна кунжут солинган ваниллли ширинлик келтирилган.**

— Биз маҳсулот турини ўн хилга етказмоқчимиз, — деди цех мудири Н. Қаҳҳоров. — Кўпгина халқ рецептлари унутиб юборилган, биз уларни қайта тиклашга ҳаракат қиламиз. Келгусида фақат районимиз эмас, бутун область савдо тармоғига маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқдамиз.

### ВАҚТДАН ЎЗИБ

**«Чирчиксельмаш» заводи иккинчи ярим йиллик шартнома мажбуриятларини графикдан барвақт бажаришга киришди. Бу корхона культиваторлари, ариқ қазиш агрегатлари, бошқа маҳсулотлари кўпгина иттифоқдош республикаларда жуда харидоргирдир. Завод коллективи май ойидаёқ маҳсулот етказиб бериш шартномаси ярим йиллик топшириғини уддалади, ишчиларнинг кўпчилиги отпускага кетадиган ёз ойлари учун замин тайёрланди. «Чирчиксельмаш» тамғаси қўйилган буюмлар Арманистон, Грузия, Белоруссия, РСФСРга жўнатилди.**

(ЎзТАГ).

## СИБИРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

**Яқинда Кемерово—Урганч авиалинияси ишга тушди. Юк самолётларининг азамат учувчилари Хоразм областидаги Шовот райони серҳосил дала ва боғларида етиштирилган ноз-неъматларни сибирликлар дастурхонига етказиб бермоқдалар.**

**Шовот райони ва «Кузбассуголь» бирлашмаси ҳамда Ғарбий Сибирь металлургия комбинати раҳбарлари ўртасида имзоланган дўстлик шартномаси янги авиалиниянинг очилишига сабаб бўлди. Ҳозир самолётлар Кемерово области ҳамда Шовот районида юкларни жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан белгиланган график бўйича мунтазам учмоқдалар. Ҳаво лайнерлари Хоразмга қурилиш материаллари келтириб бу ердан сабзавот ва мева, полиз маҳсулотлари олиб кетмоқдалар.**

**— Яқинда мева ва полиз маҳсулотлари ортган дастлабки вагонлар Кемерово областига жўнайди, — деди Шовот район Совети ижроия комитетининг раиси Б. Ражабов. — Қиш ва баҳорда эса сибирликларга мева қоқи ва мурабboси, сабзавот ҳамда қовун консервалари юборамиз.**

# ...ПАХТАКОРЛАР КУТИБ ТУРОЛМАЙДИЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

Аввал хабар берилганидек, 23 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари залга киришдан олдин янги пахта териш машинасини яратиш идоралараро фан-техника марказида ишлаб чиқилган техника намуналарини кўздан кечирдилар. Кенгаш аъзолари, заводлар ва конструкторлик бюролари раҳбарлари, ихтирочилар машиналарни синчковлик билан ўргандилар, программа раҳбари академик А. Глушченкони: машинанинг техника-иқтисодий параметрлари қанақа, бу машиналар қандай тезликда ишлашга қодир, уларнинг орқага бурилиши учун қандай кенгликдаги майдон талаб этилади?... каби саволларга кўмиб ташладилар.

Булар шунчаки берилган саволлар эмас. Янги машиналар ҳаётга йўлланма оладими ёки улар шундай ҳолича — тажриба намунаси сифатида қолиб кетадими? — бу ана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ эди.

Идоралараро фан-техника маркази икки йилдан олдинроқ ташкил этилган бўлиб, унинг олдига аниқ вазифа қўйилган: 1990 йилгача тўрт қаторли янги пахта териш машиналарини, 1991 йилгача подборщикларнинг янги туркумини тайёрлаб бериши керак. Бунда мазкур машиналар жаҳон техника даражасига мос бўлиши шарт қилиб қўйилган эди.

Бундай машинанинг зарурлигига шак-шубҳа йўқ: ҳозирги туркумдаги терим машиналари Американинг «Жон Дир» фирмаси техникасидан, бошқа энг яхши намуналардан жиддий орқада қолмоқда, улар билан муносиб рақобат қилишга қодир эмас. Унумдорлигининг пастлиги ва пухта эмаслиги, қаторларда кўплаб хом ашёнинг нобуд бўлиши, ундан фойдаланишдаги ноқулайлик — буларнинг ҳаммаси пахтакорларга қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мана икки йил ҳам ўтди. Идоралараро фан-техника маркази ХС маркали тўрт қаторли машинанинг базавий моделларини таклиф этмоқда, ХФ маркасидаги бутун бир турдаги техниканинг синовлари ўтказилди, дефолиациясиз ишлайдиган уч қаторли машиналарни далага чиқазиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Улар ғўза тупларидаги ҳосилни поғонама-поғона териб олади. Бу янги агротехника усули ҳосилдорликни 7 центнергача кўпайтириш имкониятини бериши мумкинлигини синовлар кўрсатди.

Лекин, янги техниканинг шу даражада кўп ва хилма-хил бўлишига қарамай, залдан саволлар туша бошлади: ҳозиргача миллионлаб пул сарфлаб бўлган идоралараро фан-техника маркази умуман ўзини оқладими ёки йўқми?

Марказни ташкил этиш ўзини оқлади! Буни охир оқибатда марказ раҳбарлари концепциясига очиқдан-очиқ қарши чиқаётганлар ҳам тан олишди. 12 та тажриба-конструкторлик ташкилотлари кучларини бирлаштирган идоралараро фан-техника маркази кенг кўламда синовлар ўтказди, бир қатор оригинал техника ечимлари топилди, бундан буёнги олиб бориладиган ишланмалар учун асос яратилди. Бироқ... ҳозирча энг муҳими — рақобат қобилиятига эга бўлган машина йўқ.

Нега?

— Маблағлар кам, ишлаб чиқариш базаси жуда ожиз. Агросаноат давлат комитети янги машиналардан манфаатдор эмас, — А. Глушченконинг фикри шундай.

— Идоралараро фан-техника маркази ва унинг раҳбарияти энг яхши кучларни бир ерга тўплай олмади, ишлар А. Глушченконинг ўзи таклиф этган йўналишдагина олиб борилмоқда. Машиналарнинг янги намуналарини яратишнинг истиқболли, асосланган программаси ишлаб чиқилмаган, барча техникавий ечимлар «сийқаси чиққан йўлга» — вертикал шпинделга, пахта териш машинасининг анъанавий ишчи органига асосланмоқда, — оппонентларнинг эътирозлари шундай.

Бу далил-исботлар салмоқли, бунинг устига улар «Ташсельмаш» ишлаб чиқараётган туркум машиналар билан марказ яратган машиналарни таққослашга асосланган. Афсуски, ҳозирча тарозининг палласи туркум техника томонга босиб кетмоқда.

Мунозаралар шу даражада қизиб кетдики, раислик қилувчи йиғилганларга мунозара олиб бориш маданияти ҳақида эслатиб ўтишга мажбур бўлди.

— Машиналарнинг узелларини шунчаки қайта жойлаштириш муаммони ҳал этмайди, — Агросаноат давлат комитети вакилларининг принципиал позицияси ана шундай. — Ўзиюрар пахта териш машинасининг модели зарур. Ярим йилдан ортиқ бошқа қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланилган трактор терим мавсумигача яроқсиз ҳолга келади. Шундан сўнг ишда узилишлар бўлади. Техника тез-тез тўхтаб қолади...

— Бу иқтисодий жиҳатдан фойдасиздир. Бир йилда 15 кун ишлатиш учун машина яратиш кеpакмикин? — эътироз билдиришади идоралараро фан-техника маркази вакиллари.

— Ахир «Жон Дир» машинаси худди шундай...

— Биз ХФ-16 маркали ўзиюрар машинани тайёрладик. Уни бу йил синовдан ўтказамиз.

Ана шу луқмаларга қараб хулоса чиқариш мумкин: мураккаб вазият вужудга келган. Албатта, икки йил ичида сифат жиҳатидан янги машина яратиш амалда мумкин эмас. Идоралараро фан-техника марказини ихтирочиларнинг барча таклифларини қабул қилмасликда айбладилар. Лекин ундай эмас. Энг яхши таклифлар қабул қилинган. Қолганлари эса рад этилган. Истиқболсиз лойиҳалар билан шуғулланиш керакми, натижа бермайдиган лойиҳаларга пул сарфлаш керакми? Албатта, йўқ!

Лекин конструкторларнинг кучини бирлаштирувчи ташкилот сифатида тузилган марказ республикада мавжуд бўлган барча имкониятларни бир ерга тўплаб, ишга жалб этолмади. Бу эса ташвиш туғдиради. «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус лабораториясининг пневмопульсли машинани яратиш юзасидан беш йил мобайнида олиб борган қизғин иши салбий натижа билан тугади. Танланган мавзу истиқболсиз мавзу сифатида бекорга чиқарилди, лаборатория тарқатиб юборилди. «Ташсельмаш» конструкторлари ўз моделларини яратмоқдалар. Ихтирочилардан А. Туропов, А. Кожевников, А. Рустамовлар ўз ғояларини ибтидоий шароитларда амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Бу нарса нимага олиб келди? Кучларни, илмий тафаккурнигина эмас, балки кўпгина маблағларнинг ҳам сочиб юборилишига олиб келди.

Хуллас, деҳқонларнинг беш йиллик охирига бориб сифат жиҳатидан янги машина олиш орзулари ушалмаслиги кўриниб турибди. Улар яна кутишга мажбурлар.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши идоралараро фан-техника маркази фаолиятини активлаштириш учун марказ раҳбариятига ишларни планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлашда тартиб ўрнатишни тавсия этди, уларни ихтирочилар билан қалин алоқа ўрнатишга чақирди. Республика Агросаноат давлат комитети, «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига идоралараро фан-техника маркази ишларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш таклиф этилди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Пахтачилик учун машиналар яратувчи давлат махсус конструкторлик бюроси базасида ихтисослашган тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилинди. У идоралараро фан-техника марказининг бош конструкторига бевосита бўйсунади.

Яна бир нарсани айтиб ўтайлик: мажлисда, масаланинг муҳимлигига қарамай, бизнингча, ишга унча алоқадор бўлмаган гаплар айтилди: гўёки матбуот ҳеч қандай ёрдам бермаётган, фақат асоссиз танқид қилаётган эмиш. Жумладан, «Известия» газетасида пахта териш машиналари юзасидан ҳимоя қилган юзта диссертация ҳақидаги мақола эсга олинди. Тўғри, шу ернинг ўзидаёқ бу масалага аниқлик киритилди: 300 та кандидатлик диссертацияси, 20 та докторлик диссертацияси ёқланган экан...

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# «ПРЕССАВТОКЛУБ» ТУЗИЛДИ

Республика аҳолиси ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари пропагандасини янада кучайтириш, бунга кенг жамоатчиликни жалб этиш, ҳайдовчилар ва йўловчиларни ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ишининг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи ҳузурида «Прессавтоклуб» уюшмаси ташкил этилди.

Худди шундай клубларни Қорақалпоғистон АССР ва барча областларда тузиш кўзда тутилмоқда. Улар область журналистлар ташкилотларининг тегишли мажлисларида тасдиқланади.

«Прессавтоклуб» аъзолигига республика ва область газеталари, журналлари, телевидение, радиоэшиттириш, кино ходимлари, ноширлар, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини пропаганда қилишда иштирок этишни истовчи бошқа кишилар қабул қилинадилар.

«Прессавтоклуб»га аъзо бўлиш учун ишлаб турган ижодий коллективдан тавсиянома, ҳайдовчилик гувоҳномаси тақдим этилади. Клуб аъзолигига қабул қилинувчи киши оммавий ахборот ва пропаганда воситаси органларидан бирида ишлаб турган бўлиши шарт.

Клуб аъзоларига махсус гувоҳномалар берилади.

«Прессавтоклуб»нинг асосий вазифаси оммавий ахборот воситалари учун:

— республика аҳолиси ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш ва шарҳлаб бериш;

— ҳайдовчилар ва йўловчилар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги профилактика ишлари;

— йўл ҳаракати қатнашчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда кўмаклашиш;

— йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

— йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида болалар шикастланишининг олдини олиш мавзуларига қаратилган материалларни тайёрлаб беришдан иборатдир.

Шунингдек, клуб аъзолари ёрдамида йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилар радиотингловчилар ва телетомошабинларнинг кенг оммасига таништириб борилади, матбуот орқали танқид қилинади.

«Прессавтоклуб» правлениесида матбуот, телевидение, радиоэшиттириш, кино ва ноширлик ишлари бўйича группалар тузилади.

«Прессавтоклуб» фаолиятига клуб аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан икки йил муддатга сайланадиган правление раиси, унинг ўринбосари ёки секретари раҳбарлик қилади.

«Прессавтоклуб» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия билан яқин алоқада иш олиб боради. Клуб фаолияти план асосида амалга оширилади.

Клуб правлениеси клуб аъзоларига белгиланган нусхадаги кўкрак нишони ва гувоҳномани топширади, газета, журнал, радио, телевидение редакциялари, кино, нашриётлар билан ҳамкорлик ўрнатади.

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзида «Прессавтоклуб» правлениесининг раҳбар органи сайланди. Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари В. В. Кирчев унинг раиси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи М. А. Ваулин раис ўринбосари этиб сайландилар.

Республика Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари Э. М. Мусаев, Ўзбекистон радиоси ахборот редакциясининг бош редактори А. И. Исҳоқов, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Ж. Саъдуллаев, «Правда Востока» газета редакторининг ўринбосари В. А. Шаповалов, Кинолаштириш давлат комитети раисининг ўринбосари У. У. Юсупов, «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. А. Ғойипов, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ГАИ бошқармаси агитация ва пропаганда бўлимининг бошлиғи Б. Н. Носировлар правление аъзолари бўлишди.

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОФИЯ. «Совбулгкооп» — Совет—Болгария қўшма корхоналари ва халқаро бирлашмалари рўйхатида ана шундай ном пайдо бўлди. Софияда СССР матлубот жамиятлари марказий союзи билан БХР марказий кооператив союзи ўртасида бу ташкилотни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Икки мамлакат кооператив ташкилотлари ўзаро алоқаларининг янги формаси шу соҳадаги ҳамкорликни юқори даражага кўтариши лозим. «Совбулгкооп» бирлашмасига товарлар алмашишни кенгайтириш ва шу соҳадаги бошқа ишларни амалга ошириш учун катта ваколатлар ва имкониятлар берилган.

Эндиликда Совет Иттифоқи ва Болгария кооперативлари тўғридан-тўғри ўз ихтиёрларидаги товарлар билан алмашинадилар. «Совбулгкооп» энг аввало савдо-сотиқ билан шуғулланади. Лекин айни вақтда келаси йилдан бошлабоқ умумий куч-ғайрат сарфлаш иккала мамлакат энг янги технологиялари, материаллари ва хом ашёси базасида бир қатор корхоналар ва қувватлар ташкил этила бошлайди. Бу корхоналар ва қувватлар халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. Улар СССР ва БХР кооператив магазинларида сотилади, шунингдек бошқа мамлакатларга ҳам етказиб берилади.

●

БУДАПЕШТ. Шопрон (Ғарбий Венгрия) шаҳрида халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда Венгрия ва хорижий фирмаларнинг юзга яқин янги буюмлари намойиш этилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникаси, енгил автомобилларнинг энг замонавий моделлари, энг янги рўзғор анжомлари ва асбоблар, мебель, шунингдек кийим-кечак, пойабзал ҳамда совғалар ярмаркага келаётган кишиларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Бу ердаги буюмларни томоша қилиш билан бирга сотиб олиш ҳам мумкин.

* * *

Калоча (Марказий Венгрия) шаҳрида янги уй-жой квартали қурила бошланди. Бу кварталдаги уйлар қуёш энергияси ёрдамида иситилади. Маҳаллий мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, биноларнинг томларига ўрнатилган қуёш коллекторлари ва бошқа ускуналар туфайли янги уй-жой массивидаги квартираларни иситиш ва уларни иссиқ сув билан таъминлашга кетадиган харажатлар 30 процентдан кўпроқ камаяди. Мазкур кварталдаги уйлар 3 қаватдан ошмайди. Уларнинг ертўласида унча катта бўлмаган спорт заллари жойлашади.

●

БУХАРЕСТ. Бу ерда румин халқининг тили, адабиёти, тарихи ва санъатини ўрганиш юзасидан анъанавий ёзги курслар очилди. Уларда жаҳондаги 20 мамлакатдан, шу жумладан СССРдан келган муаллимлар, илмий ходимлар, аспирантлар ва студентлар қатнашадилар. Бухарест университети 29-марта ташкил этаётган курслар программасига румин тилининг шаклланиши ва ривожланиши, румин адабиёти ва халқ оғзаки ижоди тарихининг турли жиҳатлари, Румыния тарихининг баъзи масалалари, Румыния Социалистик Республикасининг турли халқаро проблемаларига доир позицияси ҳақидаги лекциялар киритилган. Курсларнинг қатнашчилари концертлар ва спектакллар томоша қиладилар, Румыния пойтахтининг диққатга сазовор маданий ва туристик жойларига борадилар. Ясс ва Клужа-Напоки университетларида ҳам бу йил ана шундай курслар ташкил этилди.

●

ХАНОЙ. Бугун бу ерда А. С. Пушкин номли рус тили институти Ханой филиали жойлашадиган бино пойдеворига дастлабки ғишт қўйиш маросими бўлди. Маросим қатнашчилари бўлажак ўқув юртининг асосий вазифаси Вьетнамда олий малакали рус тили мутахассисларини тайёрлашдир, деб таъкидладилар. Мазкур билим даргоҳида рус тили кимга ишда зарур бўлса, ўшаларга ҳам ўргатилади.

Филиалнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида йилига 250га яқин мутахассис тайёрлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу ерда таълим беришнинг янги методикаси ишлаб чиқилиши, республика ўрта ва олий мактаблари учун рус тили қўлланмаларини тузиш ҳам лозим. Кенг ва ёруғ мажлислар залида рус ва совет шоирлари ҳамда ёзувчилари ижодига бағишланган адабий кечалар ўтказилади. Бу мажлислар залига бир вақтнинг ўзида барча ўқувчилар сиғиши мумкин.

Ханой филиали қурилишини 1990 йил охирларида битказиш планлаштирилган. Вьетнам Социалистик Республикаси пойтахтидаги янги ўқув юртига барча ускуналарни Совет Иттифоқи етказиб беради.

(ТАСС).

